


O'zbekiston Respublikasi  
Samarqand viloyati  
Xalq Deputatlari  
Qo'shrabot tuman  
Kengashi  
**QARORI**



**РЕШЕНИЕ**  
Кушрабадский районный  
Кенгаш народных  
депутатов  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан

2020 йил 10 июль

№ 30-7-сон

ш. Кўшработ

**Кўшработ туманида янги “Намуна” маҳалласини  
ташкил этиш тўғрисида**

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси туман ҳокимининг “Кўролос” маҳалласи таркибидан янги “Намуна” маҳалласини ташкил этиш тўғрисидаги таклифини ўрганиб чиқиб, қуидагиларни қайд этади.

“Кўролос” маҳалласида 1172 та оила яшайди. Унинг таркибидаги Пастки Кўролос, Бирлик, Янгиқишлоқ гузарлари ва Истиқлол, Янгиобод кўчалари жойлашган ҳудуддадаги 693 та оиласида 3193 нафар аҳоли истиқомат қилади.

“Кўролос” маҳалла фуқаролар йиғини Кенгашининг маҳалла таркибидан янги “Намуна” маҳалласини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи, маҳалла фуқаролар йиғинининг қарори асосида ушбу маҳалла фуқаролар йиғинининг туман ҳокимига илтимосномаси киритилди ҳамда мазкур илтимоснома Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича туман комиссияси томонидан маъқулланиб, вилоят ҳокимлиги хузуридаги топономик объектларга ном кўйиш комиссиясининг йиғилиш баёни билан ижобий хулоса берилди, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан янги ташкил этиладиган маҳалланинг ҳудуди чизмалари белгиланди.

“Кўролос” маҳалла фуқаролар йиғинининг маҳалла таркибидан янги “Намуна” маҳалласини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 марта 48-сон қарори билан тасдиқланган Шаҳарлар, посёлкалар ва овуллардаги маҳаллаларни бирлаштириш, бўлиш ва тугатиши, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига тўлиқ мос келади.

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси туман ҳокимининг “Кўролос” маҳалласи таркибидан янги “Намуна” маҳалласини ташкил

этиш тўғрисидаги таклифига асосан ушбу худудда яшовчи аҳолининг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман ҳокими Х.Оқбутаевнинг “Кўролос” маҳалласи таркибидан янги “Намуна” маҳалласини ташкил этиш тўғрисидаги аҳбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Туман ҳокимининг “Кўролос” маҳалласи таркибидан янги “Намуна” маҳалласини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.
3. “Кўролос” маҳалласи худудидаги Пастки Кўролос, Бирлик, Янгишилоқ гузарлари ва Истиқлол, Янгиобод кўчаларини ўз ичига олувчи “Намуна” маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилсин.
4. Янгидан ташкил этилган “Намуна” маҳалласининг чегараларини акс эттирган ва тавсифлаган худуди чизмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.
5. Янгидан ташкил этилган “Намуна” маҳалла фуқаролар йиғинига бино ажратиш ва маҳалла фуқаролар йиғини таркибини шакллантиришга қонун ҳужжатлари талаблари асосида амалий ёрдам қилиш туман ҳокимлигидан сўралсин.
6. “Намуна” маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилиши муносабати билан маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги оила(хўжалик)лар сонини ҳисобга олган ҳолда барча молиявий (штат бирликлари, моддий ёрдам, болалар нафақалари ва бошқа) ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш туман Молия бўлими (А.Холматов) зиммасига юклансин.
7. Янгидан ташкил этилган “Намуна” маҳалла фуқаролар йиғинига муҳр ва тамға тайёрлашга рухсат бериш туман Ички ишлар бўлими (З.Сувонқулов)дан сўралсин.
8. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига Географик объектларнинг номлари давлат реестрига киритиш учун маҳаллага ном бериш тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар юборилсин.
9. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари М.Шамсиева ва халқ депутатлари туман Кенганининг Қонунийлик, ҳукуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси А.Тўхтаровлар зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси



Х.Оқбутаев